

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА
ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

РУСТАМОВ ФАРРУХ ХАЛМУМИНОВИЧ

**СИЛ КОКСИТИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ЧАНОҚ-СОҢ
БЎҒИМИНИ ТОТАЛ ЭНДОПРОТЕЗЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.26 – Фтизиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рустамов Фаррух Халмуминович

Сил коксити билан оғриган беморларда чаноқ-сон

бўғимини тотал эндопротезлашнинг

самарадорлиги..... 3

Рустамов Фаррух Халмуминович

Эффективность тотального эндопротезирования

тазобедренного сустава у больных с последствиями

туберкулёзного коксита..... 21

Rustamov Farrukh Halmuminovich

The effectiveness of total arthroplasty hip joint in patients

with consequences tuberculous coxitis 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА
ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

РУСТАМОВ ФАРРУХ ХАЛМУМИНОВИЧ

**СИЛ КОКСИТИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ЧАНОҚ-СОН
БЎҒИМИНИ ТОТАЛ ЭНДОПРОТЕЗЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.26 – Фтизиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Tib1446 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус (инглиз резюме) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Назиров Примкул Хужамович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Мухтаров Давронбек Зухурович**
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Хананияев Умарали Баратович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: +99871-150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» _____ тарқатилди.
(2021 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Л. Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н. У. Таджиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б. М. Таджиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда турли ёшдаги аҳоли орасида сил касаллиги бугунги куннинг ижтимоий - тиббий муаммолардан бири хисобланиб, суяк - бўғимлар сили орасида, чанок-сон бўғими сили, умуртқа поғонаси силдан кейин иккинчи ўринда бўлиб, 20% ни ташкил этади. Шу билан бир вақтда касалликнинг ривожланишида узоқ латент даврининг мавжудлиги ўпкадан ташқари аъзолар сили (ЎТАС), хусусан суяк бўғим сили патогенези нуқтаи назаридан қараганда 5–10 йилдан сўнг беморлар сонининг янада ортишига сабаб бўлади. Таъкидлаш жоизки ҳозирги вақтда ЖССТ маълумотлари бўйича «... жаҳонда 36,7 миллиондан ортиқ ОИВ билан зарарланганлар қайд этилган, улар орасида силдан касалланиш бошқа одамларга нисбатан 20–37 марта юқоридир...»¹. Касалликни ташхислаш муаммоси шуниси билан қийинки, сил касаллигининг суяк бўғим шакллари, шу аъзоларнинг бошқа носпецифик яллиғланиш касалликлари билан клиник-рентгенологик ўхшашликлари мавжудлиги, ҳамда уларни самарали даволаш мазкур соҳа олимларининг олдида турган долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Жаҳон тиббиётида суяк бўғимлар силнинг асоратланган шаклларини замонавий технологияларни қўллаш билан бирга даволашда самарали жарроҳлик усулларини татбиқ этиш бўйича қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, сил кокситининг клиник кечишини ташхислаш ва жарроҳлик усули билан даволаш турларини аниқлаш, реконструктив-тиқловчи жарроҳлик амалиётлари самарадорлигини асослашдан иборат. Чанок-сон бўғимини тотал эндопротезлаш, силдан ногиронликка олиб келувчи оғир асоратларини даволашни такомиллаштириш, жарроҳлик амалиётларини қўллаш билан йирингли-септик холатларни олдини олиш, реконструктив-тиқловчи жарроҳлик амалиётларини анъанавий классик усулларини ва беморларни ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида сил касаллигини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар бажарилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармонида «... мамлакатда аҳоли ўртасида тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини, тиббий ёрдам кўрсатишни ҳаммабўлиги ва сифатини яхшилаш, жумладан стандарт тиббий тизимни яхшилаш, даволаш ва ташхислашни юқори технологик усулларини, патронаж хизматини жорий этиш, диспансеризация, соғлом турмуш тарзини ва касалликларни олдини олишни натижавий моделларини жорий этиш...»² каби вазифалар

1 Global tuberculosis report 2016. WHO/HTM/TB/2016.13. World Health Organization Geneva 2016. Доступно по: http://www.who.int/tb/publications/global_report/en

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора тадбирлар туғрисида» ги ПФ-5590-сон Фармони.

белгиланган. Бу йўналишда касалликларни эрта аниқлашда илмий тадқиқотларни кенгайтириш, замонавий тиббий ёрдам кўрсатиш даражасини ошириш, сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш учун замонавий технологияларни такомиллаштириш ва эрта босқичларда чаноқ-сон бўғимини тотал эндопротезлашни ўтказиш, ногиронликни камайтириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 13 феврал 2019 йилдаги ПҚ–4191-сон «Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устивор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сил коксити билан оғриган беморларини жарроҳлик усули билан даволаш бу касалликни мураккаб даволаш жараёнининг етакчи босқичи бўлиб ҳисобланади (Сердобинцев М.С., 2008., Garay S. M., 2014). Бизнинг мамлакатимизда суяк-бўғим сили билан курашдаги эришилган муваффақиятларга қарамаслан, сил коксити бўлган беморларни тиббий ва ижтимоий реабилитация қилиш муаммоси долзарблигича қолмоқда. Специфик ва носпецифик коксит оқибатлари бўлган беморларда консерватив ёки суяк-пластик жарроҳлик амалиётларини ҳар хил турларини анъанавий қўлланилиши 55,2% ҳолатларда патологик жараённинг қайтланиши юзага келгани сабабли етарли даражада самара бермайди. Эндопротез оғриқ синдромни камайтиришга, бўғимларда ҳаракатлар ҳажмини оширишга ва оёқларнинг таянч қобилиятини тикланишига имкон беради. Чаноқ-сон бўғимини тотал эндопротезлаш, остеоартрознинг оғир шакллари билан оғриган беморлар учун революцион жарроҳлик амалиёти бўлиб ҳисобланади, бу беморларнинг ҳаёт сифатини, уларнинг функционал имкониятини яхшилашга, оғриқларни камайтиришга олиб келади. Шунингдек ҳар икки чаноқ-сон бўғимларидаги жарроҳлик муолажалари, замонавий конструкциядаги эндопротезларни қўллаш сезаларли тарқалишига эга бўлмоқда, бу жарроҳлик амалиётлари ўртасидаги интервални, жарроҳлик амалиётлари ўтказилган оёқларга эрта юклама тушиш муддатларини сезиларли қисқартиради ва бундай беморларни реабилитациясига қўшимча эътиборни талаб этади. Жорий аср бошида фтизиоостеологияда чаноқ-сон

бўғимини тотал эндопротезлаш усуллари жадал қўлланилиши бошланди (Лавров В.Н., 2006; Шапов А.Ю., 2000; Сердобинцев М.С., 2000, 2008, Назиров П.Х. ва ҳаммуаллифлар, 2018).

Сўнги йилларда чаноқ-сон бўғими жараённи доимий жадаллашиш тавсифи 60-64% ҳолатларда меҳнат қобилиятини пасайишига (Лавров В.Н. ва ҳаммуаллифлар, 1995, Гарбуз А.Е., 1998., Махмудова З.П., 2015., Назиров П.Х. ва ҳаммуаллифлар, 2018) ва 11,5% - меҳнатга яроқли ёшда ногиронликка олиб келади. Жаҳонда чаноқ-сон бўғимини эндопротезлаш миқдори йилига 1,5 млн дан ортиқни ташкил этади ва бу рақам оғишмай ўсиб бормоқда: 2025 йилда бу 2,093 млн га, 2030 йилида - 4,419 млн га етади. Башоратларга кўра 2030 йилга келиб эндопротезист-жарроҳлар сони 26 минг кишига ортади ва агар 2010 йилда битта жарроҳга 52 нафар бемор тўғри келган бўлса, 2030 йилга келиб уларнинг сони 167 нафарни ташкил этади (Загородний Н.В. ва ҳаммуаллифлар, 2013, 2015, Ермаков А.М. ва ҳаммуаллифлар, 2018).

Шундай қилиб илмий адабиётларнинг таҳлидан кўришимиз мумкинки, сил коксити билан оғриган беморларда чаноқ-сон бўғимини эндопротезлаш натижалари самардорлигини ўрганиш катта қизиқишни ташкил этади. Ҳозиргача ижтимоий-иқтисодий аҳамияти: беморларни даволаш муддатлари ва ногиронликка чиқиши нуқтаи назаридан ва касалланишни эрта босқичларида чаноқ-сон бўғимини тотал эндопротезлаш самардорлиги ўрганилмаган. Бизлар адабиёт маълумотлари бўйича бу каби тадқиқот натижаларига эга эмасмиз. Мазкур диссертацион тадқиқот иши сил коксити билан оғриган беморларда чаноқ-сон бўғимини тотал эндопротезлаш самардорлигини ошириш борасида илмий тадқиқотлар амалга оширилиши айниқса аҳамиятли ва долзарбдир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертацион тадқиқот иши Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг АТСС-19.1. «Ўпкадан ташқари аъзолар силни дифференциал ташхислаш ва даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида (2017-2020 йй.) бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сил коксити билан оғриган беморларда чаноқ-сон бўғимини тотал эндопротезлаш усуллари такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сил коксити оқибатлари бўлган шахсларда чаноқ-сон бўғимидаги клиник ва анатомио-функционал бузилишларни баҳолаш;

сил коксити оқибатлари бўлган шахслада чаноқ-сон бўғимида тотал эндопротезлашни ўтказишга кўрсатмаларни баҳолаш;

сил коксити оқибатларида тотал эндопротезлаш жарроҳлик амалиётлари самардорлигини қиёсий таҳлилини қилиш;

чаноқ-сон бўғимида тотал эндопротезлаш ўтказилгандан сўнг беморларда ҳаёт сифатни яхшилаш бўйича реабилитацион чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий амалий тиббиёт марказида 2010-2020

йиллар давомида сил кокситининг асортли шакллари билан оғриган 62 нафар беморлар олинган. Улардан 29 (46,8%) нафарида касалликни эрта 2 ойдан 24 ойгача бўлган муддатларда ва 33 (53,2%) нафар касаллик давомийлиги 2 йилдан 15 йилгача бўлган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида чаноқ-сон бўғимини тотал эндопротезлаш самарадорлигини ва нофаол сил кокситида даволаш натижаларини яхшилаш учун жарроҳлик амалиётидан кейинги даврдаги реабилитацион чора тадбирлар ва уларнинг натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник-рентгенологик, биокимёвий, антропометрик, шикастланган чаноқ-сон бўғимини функционал параметрлари каби тадқиқот ва аналитик усуллар ва олинган натижаларни статистик қайта ишлаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

титан-керамикали эндопротезларни қўллаган холда асоратланган сил кокситини жарроҳлик усулида даволаш, классик усулда суяк аутоотрансплантатлардан фойдаланилган жарроҳлик амалиётидан кейинги сақланиб қолган анатомо-функционал бузулишларнинг тўлиқ тикланишига имкон бериши исботланган;

сил кокситини комплекс даволашда радикал жарроҳлик амалиётларининг – тотал эндопротезлашнинг зарурлиги, бўғимдаги клиник-функционал ва рентгенологик текширувлар натижаларга кўра исботланган;

илк бор сил коксити билан оғриган беморларда, зарарланган бўғимлардаги анатомо-функционал бузилишлар сабабли юзага келувчи Shoemaker чизиқларининг бир бирига нольмутаносиблиги, касалликнинг кечки босқичларида яққол юзага чиқиши исботланган;

сил коксити билан оғриган беморларда касалликнинг эрта босқичларида чаноқ-сон бўғимини ZIMMER, DePuy ҳамда IRENE протезлари билан тотал эндопротезлаш, бўғим букилишини $88,3 \pm 8,6^\circ$ гача, бўғим ёзилиш қўламини $176,2 \pm 6,2$ гача яхшиланишига имкон бериши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

узоқ йиллар давомида касал бўлган беморларда чаноқ-сон бўғимини тотал эндопротезлашнинг юқори технологияли жарроҳлик амалиётлари ҳам, етарли даражадаги ижобий самарани бермайди ва беморлар тўлиқ соғлом ҳаёт тарзига қайта олмаслиги исботланган;

сил кокситида чаноқ-сон бўғимини тотал эндопротезлаш бўғимларнинг таянч қобилиятини тўлиқ тиклашга, умуртқа поғонасида кифосколиотик деформациялар камайишига ёки бартараф этишга ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга сабаб бўлиши исботланган;

сил кокситида чаноқ-сон бўғимини тотал эндопротезлаш самарадорлигини баҳолашда беморлар учун тавсия этилган реабилитацион чора тадбирларни ошириш натижасида ногиронлик кескин камаяди, бу эса юқори даражадаги иқтисодий ва тиббий самарадорликка олиб келиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги объектив, клиник-лаборатор, рентгенологик, ортопедик ва

статистик тадқиқот усуллари асосида тасдиқланади. Статистик усулларни қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончилигини таъминлайди, шу билан бирга, тадқиқот давомида олинган натижаларнинг маҳаллий ва хорижий илмий изланишлар билан солиштирилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишнинг илмий моҳияти, хуллоса ва таклифларни чаноқ-сон бўғими сили асоратларини этиотроп ва жарроҳлик йўли билан даволаш мажмуаси тактикасини такомиллаштиришдан иборат ва ушбу беморларни кузатишнинг узоқ босқичларида чаноқ-сон бўғими сили патогенезини тушунишда ишлаб чиқилган чаноқ-сон бўғимини тотал эндопротезлаш, реабилитация чора тадбирларига силга қарши даволаш асосий ўрин тутиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сил коксити оқибатлари бўлган беморларни даволашда чаноқ-сон бўғимини эндопротезлаш жарроҳлик амалиётини қўллаш натижасида бўғимлар фаолиятининг тикланиши, беморларни эрта фаоллашиши, умуртқа поғонаси ва скелетнинг бошқа сигментлари томонидан патологик ортопедик ўзгаришларни келиб чиқишини олдини олишга ва ишлаб чиқилган реабилитацион чора тадбирлар беморлар ногиронлигини камайтиришга ва уларнинг ҳаёт сифатни сезиларли даражада яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сил коксити билан оғриган беморларда чаноқ сон бўғимини тотал эндопротезлашнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сил касаллигидан кейинги коксартроз билан хасталанган беморларда чаноқ сон бўғимини тотал эндопротезлашда юқумли асоратларни олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида «Сил касаллигидан кейинги коксартроз билан хасталанган беморларда чаноқ сон бўғимини тотал эндопротезлашда юқумли асоратларни олдини олиш усуллари» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 23 декабрдаги 8н-з/599-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома антибактериал дори воситаларини жарроҳлик амалиёти ичида қўллаш орқали сил коксити оқибатлари бўлган беморларда чаноқ-сон бўғимини эндопротезлашда жарроҳлик йўли билан даволаш самарадорлигини яхшилаш имконини берган;

сил коксити билан оғриган беморларда чаноқ сон бўғимини тотал эндопротезлашнинг самарадорлиги аниқлаш ва даволаш тартибини такомиллаштириш асосида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Фтизиатрия ва пульмонология ихтисослаштирилган илмий амалий тиббий маркази, Жиззах ва Сирдарё вилоятларини сил касалликлари диспансерларининг клиник амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 15 июлдаги 08-09/8326-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши натижада чаноқ-сон бўғимини тотал эндопротезлашни қўллаш билан беморларни даволашни жорий қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми адабиётлар рўйхатини ҳисобга олмаганда 111 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар мавжуд.

Диссертациянинг «**Чанок-сон бўғими сили билан оғриган беморларни даволаш ва уларни ногиронликдан асрашни замонавий усуллари**» деб номланган биринчи бобида синчковлик билан сил коксит билан хасталанган беморларни жарроҳлик усули билан даволаш муаммоси бўйича илмий маълумотларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ўтказилган. Мазкур муаммога бағишланган маҳаллий ва хорижий илмий материаллар, келгусида ўз ечимини талаб этаётган долзарб масалалар ва сил кокситини ташхислаш ҳамда даволашни замонавий ҳолати ўрганилган. Илмий адабиётларни ўтказилган таҳлили натижасида илмий тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари баён этилган.

Диссертациянинг «**Беморларнинг клиник материаллар тавсифи ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари берилган. Ишнинг асосига 62 нафар беморларни текшириш маълумотлари қўйилган. Улардан 29 нафарида касаллик муддати 2 ойдан 24 ойгача бўлган эрта муддатларда ва 33 нафарида эса касалликни бошланишига 2 йилдан 15 йилгача бўлган беморларда чанок-сон бўғимида тотал эндопротезлаш бажарилганларни ташкил этди. Тадқиқот учун танлаб олинган барча беморлар 2010-2020 йиллар давомида ЎзР ССВ РИФ ва ПИАТМ клиникасида даволанганларни ташкил этади.

Беморларнинг ёши 18 ёшдан 63 ёшгача ўзгариб турди (ўртача $42,8 \pm 12,5$ ёшни ташкил этди). №1 жадвалдан кўриниб турибдики, эркаклар ва аёллар

ўртасидаги фарқ унча катта эмас. Беморлар ўртасида гендер таркиб бўйича эркек жинсидагилар 33 (53,2%), аёл жинсидагилар 29 (46,8%) бўлди. 18–39 ёшдаги эркеклар 45,4%, 40–59 ёшдагилар - 42,2%, 60 ёшда катталар - 12,1% ни ташкил этди. Аёллар орасида 24,1% 18–39 ёшда ва 75,9% эса 40–59 ёшда бўлди. Тадқиқот учун танлаб олинган бемор аёллар орасида ҳеч бир бемор 60 ёшдан катта бўлмади.

Тадбиқ этилган беморларнинг орасида 13 (21%) киши турли соҳаларда фаолият олиб борганлар. Улардан 1 (7,7%) бемор мактабда ўқитувчи, 1 (7,7%) бемор касалхонада тиббиёт ҳамшираси бўлиб фаолият олиб борган, 2 (15,4%) беморлар шахсий фирмада қурувчи бўлиб ишлаган, 1 (7,7%) бемор ҳайдовчи бўлиб ишлаган ва қолган 8 (61,5%) беморлар шахсий тадбиркорлик билан шуғулланганлар. 24 (38,7%) беморлар ҳужжат бўйича ҳеч қерда ишламаган, уйда хўжалик ишларини олиб борганлар. Беморлар орасида нафақахўрлар 7 (11,3%) ва ногиронлар 17 (27,4%) нафарни ташкил этган. 1 (1,6%) бемор олий ўқув юрти талабаси бўлган.

Чаноқ-сон бўғими сили касалланиш давомийлиги турлича бўлган. Беморлар орасида 57 (91,9%) ҳолатда улар номутахассис йўналишидаги шифокорларда даволанганлар. Беморларнинг аксарият қисми яъни 46 (80,7%) нафари ўз яшаш жойи бўйича ортопед ёки травматологга мурожаат қилганлар. Уларнинг орасидан баъзилари узоқ йиллар давомида (10-15 йил) режа асосида даволанган, факт узоқ йиллик самарасиз даволашдан сўнг фтизиоортопед маслаҳати тавсия этилган. Лаборатория ва рентгенологик текширишлардан сўнг 7 (12,2%) беморлар невропатологга юбориган ва у ерда бир неча курс даволанишни олганлар. Бизнинг клиникамизга ташриф буюришдан олдин 4 (6,5%) беморлар чаноқ-сон бўғимини ревматоидли полиартрити сабабли ревматологга даволаниш олганлар.

Таҳлил қилинган беморлар орасида 9 (14,5%) беморлар икки томонлама чаноқ-сон бўғими сили, 30 (48,4%) беморларда ўнг томонлама шикастланиш ва 23 (37%) беморларда эса чап чаноқ-сон бўғиминини шикастланиши қайд этилган. Ўтказилган маълумотлар ёш ва жинс тавсифида аҳамиятли фарқларни мавжуд эмаслигидан гувоҳлик беради. Беморларда шикастланиш томони бўйича (икки томонлама, ўнг ёки чап томон) жинс ёки ёш билан боғлиқ бўлган қандайдир алоқаларнинг мавжудлиги аниқланмади. Бунда патологик ўчоқ ёки деструкция майдони чаноқ-сон бўғимининг ўзини турли қисмларида жойлашади. 12 (19,3%) нафар беморларда қўймич косаси шикастланганлиги, 12 (19,3%) беморларда сон суяги бошчасининг бузилиши аниқланган бўлса, сон суяги бўғини шикастланиши камроқ яъни 6 (9,7%) нафар беморларда кузатилди ва чаноқ-сон бўғимини аралаш шикастланиши 28 (51,6%) беморларда қайд этилди.

Танлаб олинган беморлар орасида 45 (72,6%) нафарида ногиронлик кузатилмади, 17 нафарида эса ногиронликни турли даражаси аниқланди. Бунда – I гуруҳ ногиронлик аниқланган бўлса, 15 (88,2%) нафарида – II гуруҳ ва 1 (5,9%) нафар беморда III гуруҳ бўйича ногиронлик аниқланди.

Илмий тадқиқотнинг қўйилган мақсадига эришиш учун барча беморлар 2

гуруҳга бўлинди.

Биринчи гуруҳни - жарроҳлик амалиёти чаноқ-сон бўғими сили ташхиси қўйилгандан сўнг касалликни эрта босқичи, яъни 2 ойдан 24 ойгача бўлган муддатда бажарилган ва консерватив даволаш буюрилган 29 нафар беморлар ташкил этди. Биринчи гуруҳда бўлган беморларнинг ўртача ёши $41,4 \pm 12,1$ йилни ташкил этди. Энг катта ёш 63 ёшни, энг кичик 18 ёшни ташкил этди.

Иккинчи гуруҳни 33 нафар беморлар ташкил этиб, уларда жарроҳлик амалиёти янада кеч - ўртача 2 йилдан 15 йилгача бўлган муддатда (нофаол жараён) ўтказилди. Бу гуруҳда тадқиқотда иштирок этган беморларнинг ёши $44 \pm 12,9$ ёшни ташкил этди. Энг катта ёш 62 ёшни, энг кичик 20 ёшни ташкил этди.

Коксит мавжуд бўлган беморларни клиник текширишда асосий ўринни оёқлар узунлигини, шикастланган бўғим хажмини, унинг функционал ҳолатини ўлчаш эгаллайди. Клиник ва рентгенологик жиҳатдан бел умуртқаларининг ҳолати: сколиозни, умуртқалараро ёриқни торайиши, остеохондроз даражаси ва илдизчалар синдромининг мавжудлиги, шунингдек тос суякларининг ҳолати ўрганилди. Бизнинг кузатишларимиз шуни кўрсатдики, сил кокситида, айниқса унинг нофаол жараёнларида умуртқа поғонаси ва чаноқ суяклари томонидан дегенератив-дистрофик тавсифдаги асоратларни кузатиш мумкин. 50 (80,6%) нафар жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморларда турли йўлдош касалликларнинг мавжудлиги аниқланди. Ўпкаларни рентгенологик текшириш натижалари бўйича 31 (50%) нафар беморларда сурункали бронхит аниқланди. Ўпкаларнинг цирротик сили 1 (1,61%) нафар беморда, ўпкаларнинг метатуберкулезли ўзгаришлари эса – 7 (11,3%) нафар беморларда қайд этилди. 23 (37%) нафар беморларда ўпкалар томонидан патологик ўзгаришлар аниқланмади. Енгил ва ўртача камқонлик билан оғриган беморлар сони 25 (40,32%) ни ташкил этди. Учрашидаги камайишлар сони бўйича кейинги ўринларни юрак қон томир тизим касалликлари (48%), эндокрин тизим касалликлари (4%) эгаллайди.

Сил коксити ташхисини тасдиқлаш жарроҳлик амалиёти материали суяк тўқимаси ва бўғим ичи суюқлиги таркибини патоморфологик ўрганиш маълумотлари бўйича ўтказилди.

Синовиал суюқлик, бўғим бўшлиғидаги суюқлик, жарроҳлик амалиёти материаллари бактериологик текширилди. Номахсус флора ва Gen Xpert / Rif ва HAIN test каби ген молекуляр усули билан бевосита микроскопия маълумотлари бўйича сил микобактерияларининг мавжудлиги ўрганилди.

28 (45,1%) нафар беморларда жараённинг махсус табиати жарроҳлик амалиёти материалини гистологик ўрганиш натижалари билан исботланди, 1 (1,6%) нафар жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморда сил бактериологик текширишлар (Xpert/Rif и HAIN test каби ген молекуляр усуллар) билан тасдиқланди. Қолган 33 (53,2%) беморларда гистологик усул билан носпецифик жараён аниқланди, бу узоқ ва бир неча марта силга қарши дори воситалари билан даволаш натижаси бўлиб ҳисобланади, бунинг оқибатида эса патоморфоз ўзгаради (Перельман М.И., 2004). Улардаги махсус жараён илгари тасдиқлангандир. Жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморлардан 6

нафари (9,7%) да сил спондалитнинг нофаол шакли аниқланган, 1 (1,61%) нафарда эса елка бўғими силининг нофаол шакли аниқланди.

Асосий шикастланишнинг жойлашган ўрни бўйича қуйидаги маълумотлар олинди. Чаноқ-сон бўғими сили касалликлари сабабли 62 жарроҳлик амалиёти бажарилди ва жарроҳлик амалиёти чапга нисбатан (27 нафар бемор-43,5%), ўнг томонда (35 нафар бемор -56,5%) кўпроқ ўтказилди.

Жарроҳлик амалиёти вақтида жарроҳлик столида бемор шикастланган томонга қарама қарши томонга ётқизилди. Чаноқ-сон бўғимини протезлаш учун ёнбошдан киришни икки усули қўлланилди: Хардинг бўйича кириш ва модификацияланган ёнбошдан. Р. Бауэр (R. Bauer) томонидан таклиф этилган ва К. Хардинг (K. Hardinge) томонидан такомиллаштирилган бевосита ёнбошга кириш ўз ичига катта кўст устида 12–16 см узунликдаги терини кесиш, ярани бутун узунлиги бўйича сон фасциясини кенг очиш, катта кўст устида 3 см юқорида ўрта думба мушакларини мушак толаларини ажратиш, ўрта думба мушакларини ва катта кўст олд юзасидан тўрт бошли сон мушаклари латерал қисмини ажратишни бажаришни ўз ичига олади. Сўнгра сон суяги бошчасини чиқариб олиш амалга оширилади ва кейинги жарроҳлик муолажалари бажарилади.

Диссертациянинг «**Сил коксити оқибатлари бўлган беморларда ортопедик статуснинг клиник-рентгенологик ва функционал ҳолати**» деб номланган учинчи боби ортопедик статусини клиник-рентгенологик ва функционал ҳолатини баҳолашга бағишланган.

Биринчи гуруҳнинг 19 (65,5%) нафар беморлари шикастланган чаноқ-сон бўғими соҳасидаги оғриқлар ва оёқларни қисқариши ҳисобига оқсаш юзага келишидан шикоят қиладилар. Бизнинг клиникамизга келиб тушиш вақтида биринчи гуруҳнинг 17 (58,6%) нафар беморлари қўлтиқтаёқ ёки ҳасса ёрдамида мустақил ҳаракатланганлар. Бир нафар бемор икки томонлама шикастланиши ва кучли оғриқ сабабли ҳаракат қила олмаган. 2-гуруҳдаги (назорат гуруҳи) аксарият беморлар мустақил ҳаракатланган, бу 21 (63,6%) ҳолатни ташкил этган. 10 (30,3%) нафар беморлар қўлтиқтаёқ ёрдамида ҳаракатланганлар ва 2 нафар бемор мажбурий ётоқ ҳолатида бўлган. Асосий гуруҳнинг 6 (20,7%) нафар беморида ҳаракатланиш вақтида кучли оғриқлар кузатилди. 4 (13,8%) нафар беморларда оғриқлар симилловчи тавсифда бўлган ва 19 (65,5%) нафар беморда эса чаноқ-сон бўғимидаги оғриқ жадаллиги ўткир тавсифда бўлади ҳамда доимий равишда оқсоқланиш билан бирга кечди. Улар орасида 11 (37,9%) нафар бемор қўлтиқтаёқ ёки ҳасса ёрдамида ҳаракатланади. Ҳаракатланган назорат гуруҳидаги 8 (24,4%) нафар беморларда кучли оғриқлар ва 10 (30,3%) нафарда эса симилловчи оғриқлар кузатилди. 6 (18,2%) нафарда эса оғриқларнинг ўткир тавсифи қайд этилди. 9 (27,3%) нафар беморларда эса оғриқлар совуқ ёки булутли об-ҳаво билан боғлиқ бўлиши аниқланди. Шу нарса ўрнатилдики, ушбу беморларда оғриқлар ҳаракатланганда ҳам, кучли оқсаш ҳолатларида ҳам ҳис этилмади. Иккинчи гуруҳдаги 9 (27,2%) нафар беморларда фиброзли ва суяк анкилози сабабли оғриқлар кузатилмади (1-жадвалга қаранг).

**Оғриқлар характеристикаси ва касалликнинг
клиник симптомлари**

Белгилар	Беморлар гуруҳи	
	1-гуруҳ n=29	2-гуруҳ n=33
Харкатланиш		
Мустақил	17(58,6±9,1%)	21(63,6±8,3%)
Кўлтиктаёқ ёки хасса ёрдамида	11(37,9±9%)	10(30,3±8,0%)
Мажбурий ётоқ ҳолатида	1(3,4±3,3%)	2(6,06±4,1%)
Бўғим соҳасидаги оғриқлар		
Симилловчи	4(13,8±6,4%)	10(30,3±8,0%)
Ўткир ости	6(20,7±7,5%)	8(24,2±7,4%)
Ўткир	19(65,5±8,8%)	6(18,2±6,7%)
Оғриқсиз	0(0%)	9(27,3±7,7%)
Интоксикация		
Ҳолсизлик	21(72,4±8,2%)	9(27,2±7,7%)
Иштаҳни пасайиши	19(65,5±8,8%)	4(12,1±5,7%)
Бўшашиш	21(72,4±8,2%)	9(27,2±7,7%)
Тана ҳароратини кўтарилиши	18(65,5±9%)	5(15,1±6,2%)

Изоҳ: n – беморлар сони, кавс ичида % кўрсатилган.

Анамнез йиғиш вақтида аниқландики, асосий гуруҳнинг 18 (65,5%) нафар беморларида касалликнинг клиник белгилари сифатида тана ҳарорати (38 градусгача) кўтарилиши аниқланди. Интоксикация белгилари (кўнгил айнаши, иштаҳани пасайиши, ҳолсизлик) 21 (72,4%) нафар беморларда аниқланди. Бунда иккинчи гуруҳ беморлари орасида тана ҳароратини кўтарилиши фақат 5 (15,1%) нафар беморларда, юқорида келтириб ўтилган заҳарланиш белгилари эса 9 (27,2%) нафар беморларда аниқланди. Жадаллиги бўйича интоксикация белгилари, асосий гуруҳ вакиллари билан солиштириш бўйича 2-гуруҳ беморларида камроқ намоён бўлди.

Эҳтиётловчи (оғриқли) оқсаш – бизнинг ҳолатимизда оқсашнинг мазкур тури биринчи гуруҳдаги 14 (73,7%) беморларда учради ва оғрийдиган оёққа қисқа муддатли ва тўлиқ бўлмаган таяниш билан тавсифланди.

Йиқилувчи оқсаш – оёқларни қопланмайдиган қисқаришида (соғлом оёқларга таяниш даврига тенг бўлган шикастланиш таянч даври) 5 (26,3%) нафар беморларда кузатилди.

Сакровчи оқсаш (шикастланган оёқларни узунлигида) биринчи гуруҳ беморлари орасида кузатилмади.

Иккинчи гуруҳ беморлари орасида мутлақо бошқа натижалар кузатилди. Вақт ўтиши билан узоқ йиллар давомида оғриқ белгилари сақланиб қолди ва оқсаш ҳолати ёмонлашди. Иккинчи гуруҳдан 28 (84,8%) беморлар оқсашга шикоят қилдилар. Эҳтиётловчи оқсаш 2 (7,1%) нафар беморларда кузатилди. Йиқилувчи оқсаш 20 (71,4%) беморларда учради ва сакровчи оқсаш эса шикастланган оёқларни узайиши ҳисобига 6 (21,4%) беморларда учради. Шикастланган чаноқ-сон бўғим контрактуралари 52 (85,5%) нафар беморларда турли даражада жумладан, биринчи гуруҳда 23 (79,3%), иккинчи гуруҳда - 29 (90,6%) нафар беморларда қайд этилди. Биринчи гуруҳда контрактуранинг

енгил даражаси 5 (21,7%) нафар, ўртача даражаси - 8 (34,8%), яққол намоён бўлган даражаси эса 10 (43,4%) нафар беморларда қайд этилди. Иккинчи гуруҳда контрактуранинг енгил даражаси 7 (24,1%) нафар, ўртача даражаси - 8 (27,6%), яққол намоён бўлган даражаси 14 (48,3%) нафар беморларда қайд этилди.

47 (75,8%) нафар беморларда оёқларни қисқариши аниқланди, жумладан бу биринчи гуруҳда 19 (65,5%) нафарни, иккинчи гуруҳда 28 (84,8%) нафар беморларни ташкил этди. Бунда биринчи гуруҳдаги беморлар орасида ўртача қисқариш $3,73 \pm 1,44$ смни, иккинчи гуруҳда эса $4,33 \pm 1,89$ см, ни ташкил этди $p > 0,05$.

Чанок сон бўғим ичи силида бириктирувчи фиброз тўқима ўсади, бу эса фиброз анкилозга олиб келади, у бўғимларнинг тўлиқ ҳаракатсизлигига сабаб бўлади. 1-гуруҳ беморларида шикастланган бўғимдаги ҳаракат амплитудаси эгилганда ўртача $126,6 \pm 14,2^\circ$ ни ташкил этди, соғлом томонда эса бу кўрсаткич $85,6 \pm 16,9^\circ$ га тенг бўлди. Мазкур беморларнинг 5 (21,7%) нафарида сезиларсиз (енгил) контрактура кузатилди ва бу беморлар ҳаракатланиш вақтида ҳеч қандай қийинчилик ёки қаршиликларни ҳис этмадилар. Ўртача контрактура эса 8 (34,8%) нафар беморларда кузатилди. Яққол намоён бўлган контрактура 10 (43,4%) нафар беморларда қайд этилди. Асосий гуруҳдаги беморлар орасида 3 (10,3%) нафарида бўғимлар анкилози кузатилди, ушбу беморларда икки ҳолатда (6,7%) фиброзли анкилоз, бир нафарида (3,4%) мушакли анкилоз аниқланди.

Иккинчи гуруҳи беморлари орасида шикастланган бўғимлардаги ҳаракат амплитудаси букилганда ўртача $130 \pm 14,3^\circ$ ни соғлом томонларда эса $83,5 \pm 14,0^\circ$ ни ташкил этди. Енгил контрактура 7 (24,1%) нафар беморларда кузатилди. Ўртача контрактура 8 (27,6%) беморларда кузатилди. Яққол намоён бўлган контрактура 14 (48,3%) нафар беморда қайд этилади. Улардан фиброзли анкилоз 10 (71,4%) нафар беморда, суякли анкилоз (бўғим артродезлаш ЖАКХ) 4 (28,6%) нафар беморларда кузатилди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Зарарланган чанок сон бўғими фаолиятининг бузилишлари

Белгилар	Беморлар гуруҳи	
	1-гуруҳ n=19	2-гуруҳ n=28
Оқсаш		
Эҳтиётловчи оқсаш (оғриқли)	14 (73,7±10,1%)	2 (7,1±4,8%)
Йиқилувчи оқсаш	5 (26,3±10,1%)	20 (71,4±8,5%)
Сакровчи оқсаш	0 (0%)	6 (21,4±7,7%)
Контрактура даражалари	n=23	n=29
Енгил контрактура	5 (21,7±8,6%)	7 (24,1±7,9%)
Ўрта контрактура	8 (34,8±9,9%)	8 (27,6±8,3%)
Яққол контрактура	10 (43,4±10,3%)	14 (48,3±9,2%)
Анкилоз турлари	n=3	n=14
Фиброзли анкилоз	3 (30±7,6%)	10 (71,4±13,6%)
Суякли анкилоз	-	4 (28,6±12%)

Изоҳ: n – беморлар сони, қавс ичида % кўрсатилган.


Ҳар икки гуруҳ беморларидаги умумий қон таҳлил натижалари қиёсланганда унча катта бўлмаган фарқ кузатилди. Биринчи гуруҳ беморларида гемоглобин ўртача $120,5 \pm 8,7$ ни ташкил этди, иккинчи гуруҳ беморларида эса бу кўрсаткич $117,6 \pm 15$ гача пасайди. Бундан ташқари, яллиғланиш мавжудлигини кўрсатувчи хужайралардан бири бўлиб лейкоцитлар ҳисобланади, улардан кўринадики, ҳар икки гуруҳдаги унинг ўртача белгиси меъёрдан ошмади, аммо биринчи гуруҳ беморларида бу кўрсаткич бир неча марта юқори бўлиб, ўртача $6,32 \pm 1,66$, иккинчи гуруҳ беморларида эса $5,7 \pm 1,2$ ни ташкил этди.

Фибринолиз ва қон ивиш тизимини биокимёвий маркерларини ўрганиш биринчи гуруҳда фибриноген даражасини ошганлигини кўрсатди, унинг ўртача белгиси $4,6 \pm 1,9$ ни ташкил этди. Иккинчи гуруҳ беморлари орасида бу кўрсаткич меъёрий белгиларни $3,4 \pm 1,2$ кўрсатди. Қонда фибриногенни ортиши ҳамма беморларда ҳам аниқланмади, бу биринчи гуруҳ беморларида 10 (34,5%) ҳолатни, иккинчи гуруҳ беморларида - 5 (15,1%) беморларни ташкил этди.

Агарда қонда фибриноген даражасини ортиши организмда махсус яллиғланиш мавжудлигини исботласа, уни кўп қарра ортиқча бўлиши, жараённи фаоллигини белгилайди, у ЭЧТ индексига нисбатан ўзгаради (1-диаграммага қаранг).

1-диаграмма

